

ЎЗБЕКISTОН



ОВОЗИ

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

• 2006-yil • 14-noyabr • Seshanba • 135 (27.626) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

• Қарор ва ижро

ЯРМАРКАДА ИШ ҚИЗГИН

Пойтахтимизда 2007 йилда истеъмолчиларга озиқ-овқат товарлари етказиб бериш бўйича улгуржи савдо ярмаркаси иш бошлади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги «Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан ташкил этилган ярмаркадан қўзланган мақсад товар ишлаб чиқарувчилар билан савдо ташкилотлари ўртасида алоқани янада мустахкамлаш ва ахрли талабига мос маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришга кўмаклашишдан иборат. Республика озиқ-овқат маҳсулотлари ихтисослашган улгуржи базасида очилган ушбу ярмаркада озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи, шунингдек, турли савдо корхоналари, ташкилотлари, кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорлар иштирок этмоқда.

— Ярмаркада тайёр маҳсулотларимиз билан қатнашяпмиз, — дейди Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги «Пахтачи-сут» агрофирмаси бош иқтисодчиси Мусурмон Тошев. — Жорий йилда беш юз миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, унинг асосий қисмини Бухоро, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳрида сотдик. Мазкур ярмарка эса ҳамкорларимиз сонини янада кўпайтириш имконини бермоқда. Тадбирнинг биринчи кунидеяк йигирмата шартнома имзоладик. Ярмаркада юздан ортиқ саноат корхонаси иштирок этмоқда. Жумладан, «Ўзгўшсаноат», «Озиқовқатсаноат» уюшмалари ҳамда «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компаниясининг юзга яқин корхонаси ўзининг ўнлаб турдаги маҳсулотлари билан қатнашмоқда. Тадбирда саноат корхоналари ва хусусий тадбиркорларнинг келгуси йилда ишлаб чиқариши кутилаётган жами 146 миллиард сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилган.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА шарҳловчиси



Суратларда: ярмаркадан лавҳалар. Сарвар ЎРМОНОВ (ЎЗА) олган суратлар



• ЎЗХДП ҳаёти

СЕМИНАР-МАШҒУЛОТ

Сайидо Насафий номли Қашқадарё вилоят кутубхонасида «Ўзбекистон ХДПнинг сўл сиёсий платформаси ва унинг бунга мос ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик ва ижтимоий демократия мафқураси» мавзусидаги сиёсий семинарнинг биринчи машғулотли бўлиб ўтди. Уни вилоят партия кенгаши раиси О.Равшанов олиб борди.

Партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳларининг мафқуравий соҳадаги фаолияти самардорлиги ва таъсирчанлигини оширишга қаратилган мазкур семинар-машғулотда туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар-

даги партия гуруҳи аъзолари қатнашдилар.

Машғулотда иштирок этган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ш.Абдуллаева ушбу сиёсий ўқувларнинг ташкил этилиши партиянинг дастурий мақсадлари ва устувор вазифаларини аҳоли ўртасида тарғиб-ташвиқ қилишни кучайтириш ҳамда партия фаоллари ва маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ҳуқуқий-сиёсий билимлари савиясини янада оширишда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

Хусусан, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали илмий ходими

А.Дўстов ва бошқаларнинг мавзу юзасидан чиқишларида ҳам бу фикр илгари сурилди.

Шу кунги вилоят кардиология марказида Тиббиёт ходимлари кунги муносабати билан байрам тадбири ўтказилди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ш.Абдуллаева ва вилоят партия Кенгаши раиси О.Равшанов иштирок этиб, марказ шифокорларини касб байрамлари билан қизгин табриклар билан ҳамда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да партия фаоллари томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида сўзлаб бердилар. Шунингдек, ЎЗХДП янги Дастури мазмун-моҳияти ҳақида йиғилиш иштирокчиларига тушунча берилди.

Тадбир сўнггида марказнинг бир гуруҳ фаол ходимлари вилоят партия кенгашининг совғалари топширилди.

Абдураззоқ МУРОДОВ,
ЎЗХДП Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот котиби
Суратда: тадбирдан лавҳа.

ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ ЭЛ ХИЗМАТИДА

Пешку туманида тиббиёт масканлари бунёд этишга алоҳида эътибор берилляпти. Яқинда тумандаги Ниёзхўжа қишлоғида янгидан барпо этилган врачлик масканининг фойдаланишга топширилгани бундан далolatдир.

— Бу янги қишлоқ врачлик маскани, — дейди туман ҳокими Камол Нуров, — ниёзхўжаликларнинг асрий орузи эди. Кенг ва ёруғ хоналардан иборат ҳамда замонавий тиббиёт ускуналари билан таъминланган мазкур шифо маскани ҳар кун 50 нафар беморга хизмат кўрсата олади.

Дарвоқе, мазкур маскан жорий йилда вилоятда бутунлай янгидан қурилган ўн биринчи қишлоқ врачлик пунктидир. Йил охиригача эса яна яна шундай 6 та қишлоқ врачлик маскани фойдаланишга топширилади.

Даврон БАХРОНОВ

«ОБУНА — 2007»

«ЎЗБЕКISTОН ОВОЗИ» —
бу Сизнинг газетангиз!

2006 йил давомида қўллаб долзарб мавзуларда чиқишлар қилган, келгуси йилда ҳам одамлар дилидаги гапларни айтишни режалаштирган газетамиз!

«ЎЗБЕКISTОН ОВОЗИ» — Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг янги Дастури ва сўзлик позициясидан келиб чиқиб, ижтимоий муаммоларга энг кўп эътибор қаратадиган, аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қиладиган газетамиз.

«ЎЗБЕКISTОН ОВОЗИ» —
бу Сизнинг овозингиз, Сизнинг газетангиз!

Агар келгуси йилда ҳам газетамизда ўзингизни қизиқтирган ёки кўпчиликни ўйлантириб келаятган мавзулардаги таҳлилий, танқидий, мулоҳазали мақолаларни, суҳбатларни ўқини истасангиз, дунёда бўлаётган жараёнлардан ўз вақтида хабардор бўлишни хоҳласангиз

2007 йил учун газетамизга обуна бўлинг!
Нашр индекси: 220

Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш учун киритмоқда.

Қуйида ушбу қонун лойиҳаларининг матнлари ҳамда уларнинг шарҳлари келтирилмоқда.

Лойиҳа

ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ

Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришдан иборат.

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига тегишли тузатишлар, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш учун асос ҳисобланади.

2-модда. Қонунчилик палатасида сиёсий партияларнинг фракциялари

Сиёсий партия фракцияси — сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузилган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир.

Қонунчилик палатасида кўпчилик ўрини эгаллаган сиёсий партия фракцияси парламентдаги кўпчиликни ташкил этади. Парламентдаги кўпчиликни ўзларининг мақсади дастурий вазифаларининг ақинлиги ёки ўзаро мослигидан келиб чиққан ҳолда блок тузаётган бир неча сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ҳам ташкил этиши мумкин.

Янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тузган йўли (курс) ва дастури ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ўзларини муҳолифат деб эълон қилиши мумкин.

Сиёсий партиялар фракцияларининг блокка бирлашиши қонунда назарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишда уларнинг мустақиллигини чеklang қўймайди. Узини парламентдаги муҳолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга ҳам эгадир:

Қонунчилик палатаси маъсул қўмитасининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил тахририни киритиш;

муҳомада этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Қонунчилик палатаси аъло мажлисининг баённомасига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг қарорларини иштирок этиши.

Парламентдаги муҳолифатнинг қонун билан қафолатланган ҳуқуқлари парламент кўпчилиги томонидан қамситилиши мумкин эмас.

Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин.

3-модда. Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарларини сайлаш тартиби

Қонунчилик палатаси ўз таркибидан Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини сайлайди.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатасининг ваколати муддатига сайланади.

Сиёсий партиянинг Қонунчилик палатасида тузилган фракцияси ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашда қафолатли ҳуқуққа эга.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарини сайлаш учун сиёсий партия фракцияси, қоида тарихида, ўз фракцияси раҳбарининг номзодини тақдим этади.

Сиёсий партия фракциясидан тақдим этилган номзод Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимига сайланмаган тақдирда, сиёсий партия фракцияси ўз фракцияси аъзолари орасидан бошқа номзодни тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Қонунчилик палатаси қўмиталаридан бирининг таркибига сайланиши мумкин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини тайинлаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мансабдор шахслари сайланганидан ва органлар шакллантирилганидан кейин бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳар бири ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан маслаҳатлашувлар ўтказилган сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тасдиқлаши учун киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини олган номзод Ўзбекистон Республикаси Бош вазир этиб тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида Ўзбекистон Республикаси Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош вазир лавозимига номзодни яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенати тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазир номзодини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини ёки унинг палаталаридан бирини тарқатиб юборлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилган тақдирда, янги сайлов тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ўтказилади.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимдан озод қилиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қуйидаги ҳолларда лавозимдан озод қилинади:

а) Бош вазирнинг истеъфо бериш тўғрисидаги аризасига биноан;

б) Бош вазир ўз ваколатларини бажариши мумкин бўлмаган ҳолда тақдирда;

в) Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси таркибида унинг нормал фаолиятига таҳдид солуви ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси бир неча марта Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларига зид қарорлар қабул қилган тақдирда;

г) Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун тақдим этган ташаббусига биноан. Агар зарур асосларга эга бўлган бундай ташаббусни парламентнинг етакчи сиёсий партиялар фракциялари қўллаб-қувватласа ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатидан овозга қўйилганда тегишчан Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сони учдан икки қисмидан кўпрогининг овозини олса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимдан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг лавозимдан озод қилиниши бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг истеъфого чиқишига сабаб бўлади.

6-модда. Вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ва тасдиқлаш тартиби

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг тегишли халқ депутатлари Кенгашларига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокими номзоди тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, тақдим қилинган хисобланади.

Агар овоз бериш вақтида вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзоди тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти кўрсатилган лавозимларга номзодларни партия гуруҳлари билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг бир ой ичида яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Тегишли халқ депутатлари Кенгаши тақдим этилган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодларини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчини тайинлаш ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгашини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Бунда халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ўтказилади.

(Давоми 2-бетда)



O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Халқаро аэропортининг

O'ZSANOATQURILISHBANK
SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzspb.uz e-mail: info@uzspb.uz
Халқаро аэропортининг

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKIDORGA HANMOR!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbmn.uz E-mail: info@tshbmn.uz va Birja@mail.tps.uz
Халқаро аэропортининг

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятиңиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНИЗ КАЛИТИДИР
Халқаро аэропортининг

Спорт

«НАСАФ» ЯНА УЧИНЧИ ЎРИН СОҲИБИ



Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган сурат

Футбол бўйича «Самарқанд-Д» — «Пахтакор» жамоалари учрашуви билан Ўзбекистон XV миллий чемпионати баҳслари поёнига етди.

Мазкур ўйин олдида юртимизнинг мохир футболчиларидан бири, XII Осиё ўйинлари ғолиби, халқаро тоифадаги спорт устаси Илҳом Шариповнинг катта футбол билан хайрлашув кечаси уюштирилди. «Динамо» стадионидан ўтказилган ажайиб тантана мамлакатимизнинг таниқли санъаткорларининг дилрабо куй-қўшиқлари билан бошланди. Шундан сўнг, яшил майдонга турли йилларда «Самарқанд-Д» ва «Пахтакор» жамоалари шарофтини ҳимоя қилган футбол фахрийлари чиқиб келишди. Таркибда Илҳом Шарипов, Мухсин Мухаммадиев, Михаил Фоменко, Ҳаким Фузайлов, Рашид Бозоров, Собир Усмонов...

галабали юришини давом эттирди. Бу гал қаршиликлар Наманганда «Навбахор-Н» устидан 3:2 ҳисобида зафар кучди. Аммо охириги ўйинда «Сўғдиёна-2004» (Жиззах)ни мағлубиятга (2:0) уратган «Нефтчи» жамоаси асосий таъкибчиси мудаосининг амалга ошишига йул қўймади. XV миллий чемпионат кумуш медаллари соҳибига айланган фарғоналиклар эса келгуси йили Осиё чемпионлиги лигасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Бу йилги мавсумни нихоятда бўш ўтказган «Хоразм» футболчиларининг олий лигани тарк этиши анча олдин маълум бўлганди. Иккинчи омадсиз жамоа номи эса сўнгги турдан кейин аниқланди. Охириги ўйинларда ўз мухлисларини ранжитган Жиззахнинг «Сўғдиёна-2004» жамоаси энди 2007 йилги мавсумни «Хоразм» каби биринчи лигада ўтказди.

Ўзбекистон кубоги финалчиси «Машъал» футболчилари Муборақда «Қизилқум-Олтин» жамоасига имкониятни бой бериб қўйди — 2:3.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Трактор» — «Локомотив» — 0:1, «Металлург» — «Андижон-ЎзДЭУавто» — 3:0, «Бухоро» — «Хоразм» — 5:0.

ЯКУНИЙ ЖАДВАЛ

Table with 7 columns: Jamoalar, U, Y, D, M, T-N, O. Lists 16 teams and their statistics.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

ЖАВОБ ЎРНИГА ПЎПИСА...

ЎКИ «ХОРАЗМ ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ» ХУДУДИЙ ШЎББА ТАШКИЛОТИ РАҲБАРИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ Т.ТЎЛАГАНОВНИНГ ФУҚАРО МУРОЖААТИГА «ЎЗИГА ХОС» ГАЛАТИ МУНОСАБАТИ ҲАҚИДА

Демократик ҳуқуқий давлат қурашмиш. Унинг энг муҳим хусусияти шуки, фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқи бузилган, атрофдаги ноқонуний ишлар ёки янада юмшоқроқ айтсак, бирор ечимини кутатган муаммо борасида исалган тизимдаги масъул ташкилотга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Айни пайтда турли даражадаги мурожаат-аризаларга масъул ташкилот раҳбарининг ўз вақтида жавоб беришга эса қонун олдида жавобгарликка олиб келиши мумкин.

Аммо, орадан уч ой ўтса-да, йўлни таъмирлаш бошланмади. Шу боисдан қорқоридаги хатда шуларни ҳам эслатиб ёзгандим. У ердан олган жавобни ўқиб, тўғриси, қўриб кетдим.

Отаҳон сал ошириб юборди, шекили, деб мазкур ташкилотдан келган расмий жавоб хатини ўқиб бошладим.

«...Сизнинг 2006 йил 15 сентябрдаги Богот тумани, Қулон Қорабоғ қишлоғи ҳақини номидан берган аризангизни кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди:

Сиз аризангизда ҳоким номига ариза берганингизни, Богот тумани билан Хонқа тумани чегараларидаги 5 белгили бурилишида хавфли жой борлигини ва шу атрофдаги йўлларнинг бурилишини тузатиб беришнинг ҳамда ўзингизга боғлиқ бўлмаган корхона ички ишларига аралашиб, Богот асфальт заводи Тупроққалъа берилишини билдириб, ариздан мақсадингиз нима эканлигини очик-ойдин кўрсатиб бермагансиз...»

Жавоб хатидан ҳам кўриниб турибдики, фуқаро йўлининг хавфли бурилиш жойини тўғрилаш ва атрофдаги йўлларни тузатишни илтимос қилган. Бунинг нимаси тушунарли экан?

«...Шундай бўлишига қарамай Сизнинг аризангиздан қишлоқ ахли манфаатларидан келиб чиқиб, айрим муаммолари масалаларга тўхталиб ўтганингизни бизнинг асосли жавобини беришга мажбуримиз...»

«Шу йил ёз арафасида қишлоқда оқсоқол сайлови бўлиб ўтди. Йилнинг тўлигида ҳам қатнашди, — дейди Б.Сотимов. — Ҳоким фуқаролардан қандайдир тақлиф-истақлар борлигини сўраганида айнан юқорида эслатилган йўлни таъмирлаш ва хавфли бурилиш жойини тузатиш беришга қўмақлаштириш илтимос қилди. У киши бу илтимосини тегишли ташкилотларга етказишга бўяда берди.

алоқадор ташкилотга мурожаат қилмоқда. Ҳоким буваини назорат қилинг, демакпти, вазифангизни бажаринг, илтимос, деярли шекили...

Хали энг қизиги олдинда. Мана, ўқиб кўринг.

«...Сиз аризангизда кўрсатган Богот туманидаги асфальт заводи вақтинча Тупроққалъа ишларини ривожлантириш учун («йўл ишлари» бўлса керак — муаллиф) жалб қилиниши, бу бизнинг корхонамиз режалари ички ишлари бўлиб, бунга аралашмишга шахсан фуқароларнинг ҳаққи йўқ. Бундай ички ишларни корхона раҳбарлари ўз манфаатлари учун бажармайди. Шу сабабли биздан илтимос қиламиз, бундай асоссиз аризалар билан бизларни вақтинчизини бекорга сарф қилманг».

Бутун бир қишлоқ ахли номидан ёзилган илтимосга вилоятдаги йирик ташкилот раҳбарининг шахсий муносабатини қаранг... Уларнинг талабига бундай панжа орасидан қарашга кимнинг ҳаққи бор? Мурожаат ҳуқуқи конституцияда орқали кафолатланган. Агар у асоссиз, тушунмовчилик орқали ёзилган бўлса, наҳотки, босиқлик билан жавоб юбориб, тушунтириш мумкин эмас. Ўки «Хоразм йўл қурилиши» ҳудудий шўбба ташкилотига ариза ёзиш мумкин эмасми?

«Сиз аризангизда кўрсатган Богот тумани билан Хонқа тумани чегараларидаги 5 белгили бурилишидаги йўлларни қайта таъмирлаш ва уларни қайта қуриш ҳаққатлари Ўзбекистон Республикаси «Йўл» жамғармаси режасига киритилганидан кейин, шу участкада сифатли қурилиш ишларини бажариб бериш мажбуриятини ўз зиммасига оламиз. Бунинг учун сиз...

нинг аралашуви шарт эмас.

«Хоразм йўл қурилиши» ҳудудий шўбба ташкилот раҳбари вазифасини бажарувчи Т.Тўлаганов.

Ана ҳолос, майли, Т.Тўлаганов раҳбар бўлган ташкилот ички ишларига аралашмишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ дейлик. Аммо, «Йўл» жамғармасига ўз чўнтагидан озми-кўпми маблағ бераётган фуқаро сифатли йўлда машина ҳайдашни хоҳлаши шахсий ишга аралашмиш бўлмаса керак. Ўки йўлни хоҳлашга тузатиб, хоҳламаса тузатмаслигини шўбба ташкилот раҳбари шахсий иш деб қараримкин?

Умуман, бир фуқаронинг қўпчилик номидан ёзилган илтимосини йирик бир ташкилот раҳбари (майли раҳбар вазифасини бажарувчи бўла қолсин)нинг ўтақатган бекорлик билан ёзган расмий жавобини ўқиб, яқинда Юртбошимизнинг Халқ депутатлари Андижон ва Фарғона вилояти Кенгашиларининг навбатдан ташқари оссиясидagi нутқлариди айтган сўзлари ёдимиғизга келди. У киши кўюниб айтганларидек, айрим раҳбарлар ҳамон осмонда юришибди. Пастга тушгилари йўқ. Фуқароларнинг дарду ташвиши, бир оғиз илтимоси... уларнинг газабини кўзгайдми, ҳақли талаб ёки тақлифнинг эшитишга, бурнини жийириб, ҳатто газабланиб, ишимизга аралашманг, деб дўқ ҳам уради.

Ана шундай халқ дарду ташвишидан узоқлашган таъбир жоиз бўлса оёғи ердан узилган, ўзи хон қўланаси майдон раҳбарининг, шундай нуфузли лавозимда гарчи вақтинча бўлса ҳам, ишлашга ҳаққи бормикин?

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири

Диққат, «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»

БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш дастлаб лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларидан бошланади. Ёнғин хавфсизлиги талабларига тўла амал қилингандагина қурилиш ишларига кириши мумкин.

Базьиди эса бу ишга бефарқ қаралади. Бунинг оқибати ҳуқуқ бўлади.

Туманимиз ҳудудида янги-янги бинолар қад кўтармоқда, турли корхоналар, мактаб, лицей, коллежлар, банк ва тиббиёт масканлари қуриб биткарилмоқда. Бу бинолар, албатта замонавий техника воситалар билан жиҳозланиб, замон талабига жавоб берадиган даражада қуриляпти. Қурилиш...

жараёндаги озгина бепарволик ёнғин келиб чиқиши эҳтимолини оширади.

Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун белгиланган тартибга амал қилиш керак. Лойиҳалаш ва қурилиш жараёнда ёнғинга қарши тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш ёнғин хавфсизлиги хизмати меъёрий техника экспертизаси гуруҳининг асосий вазифасидир. Демак, қурилиш ишларида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари бевосита иштирок этишлари шарт. Бунинг учун ҳар бир қурилишда ёнғин хавфсизлиги хизматидан тажрибали ходим бириктирилади.

мақсад — ёнғинларнинг олдини олиш, мулк хавфсизлигини таъминлаш.

Аммо базьиди бир фуқароларимиз тегишли ҳужжатларни расмийлаштирмай, лойиҳани ишлаб чиқмай, ёнғин хавфсизлиги меъёрига амал қилмаган ҳолда ноқонуний равишда ўзбошимчилик билан уй-жой қуришади. Буларнинг барчаси ёнғин хавфсизлиги қоидаларига зид. Шундай экан, офатнинг олдини олиш учун биринчи галда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг йўл-йўриқ ва маслаҳати бўйича иш тутиш лозим.

Ҳамидулла ҲАСАНОВ, Яқкасарой туман ИИБ ЁХБ инспектори, капитан

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қумқўрғон тумани, «Бешқаҳрамон» ширкат ҳўжалигидаги 540/50 ўринли Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги касб-хунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.

Иншоотнинг бошланғич нархи — 1962,0 млн. сўм. Қурилиш муддати — 330 кун.

Иншоотнинг қурилиш ишлари Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Телефон: 2-49-71.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли ҳамда 2004-

2006 йилларда ҳар йили ўз кучи билан 1000 млн. сўмдан кам бўлмаган пудрат ишларини бажарган бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳўжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» кўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига, қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/Факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Тақлифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳар, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.

Мулкчилик шаклидан қатино назорат, қурилиш ишлари билан шуғулланувчи ташкилот, корхона ва фирмалар раҳбарлари диққатига!

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ҚУРИЛИШИ РЕСПУБЛИКА ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2007 йилда Наманган вилоятида қурилиш режалаштирилган қуйидаги объектга қайтадан очиқ танлов савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Наманган вилояти, Чуст туманида НамДУ қошидаги 720 ўринли академик лицейни тайёр ҳолда (калети билан) қуриш.

Буюртмачининг бошланғич нархи — 2 459 044 000 сўм. Фойдаланишга топшириш муддати — 2007 йил 1 август.

Буюртмачи: Тошкент шаҳри, Сандова кўчаси, 76-уйда жойлашган Академик лицейлар қурилиш республика инжиниринг компанияси.

Телефон: (8-371) 393-11-84, 396-69-73. Қурилиш ишлари буюртмачига ажратилган давлат бюджети маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

ТАНЛОВ САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАЛАБГОРЛАРГА ҚУЙИДАГИ МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ ҚУЙИЛАДИ:

- ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурслари ва иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур мутахассисларга; фуқаролик ҳуқуқий қобилиятга ва шартнома тузиш ваколатига; шундай танлов предмети объектларида ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; ўз кучи билан бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши ва танлов предмети объектида ўз кучи билан бажариши режалаштирилган ишлар ҳажми (фоиз ҳисобида); 2004-2006 йилларда ҳар йили ўз кучи билан 1000 млн. сўмдан кам бўлмаган пудрат ишларини бажарганлик.

Қайта ташкил бўлган (ажратилиш, қўшилиш), тугатилиш ёки мол-мулкларни хатлаб, банкрот ёқасида турган, шунингдек таъсис актлари, молиявий иштироки, ҳолдинг ва бошқа шаклгаги бир-бирига бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий тобе бўлган талабгорларнинг танлов савдоларида иштирок этишларида йўл қўйилмайди.

Танлов тақлифларини тайёрлаш ва тақдим этиш учун зарур бўлган барча маълумот ва ҳужжатлар танлов ҳўжатларининг «ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМАДА» ўзифодасини топан.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳўжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти консалтинг марказига, қуйидаги манзилга: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилишлари мумкин. Телефон/Факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўн беш кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй.

Advertisement for Bosh Muharrir: Safar Ostonov, Tahrir Hay'ati, and various news and contact information.

Тошкент вилояти Бекобод тумани «Далварзин» ширкат ҳўжалигининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Римма АҲМЕДОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндosh-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.